

IV. Этап самосовершенствования и самосоциализации.

Цель: активизация и ориентир обучающихся на креативное, интеллектуально-творческое самосовершенствование; организация, руководство, контроль и оценка самосоциализации.

Проводятся консультации, индивидуальные беседы по самосовершенствованию; семинары, конференция, познавательная-просветительская деятельность (обучающихся).

V. Заключительный этап – результативно-итоговый.

Цель: освещение достигнутого в развитии креативных способностей обучающихся и подведение итогов; раскрытие обучающимся возможностей дальнейшего креативного развития; пожелания и ориентир, раскрытие перспективы дальнейшего развития и самосовершенствования креативных, в частности, интеллектуально-творческих способностей (предложение памяток, мини-рекомендаций).

Концептуально значимыми в такой процессуально-педагогической, структурно-содержательной системе являются следующие педагогические позиции: креативное изучение национальных историко-культурных древнеархитектурных ценностей, призвано совершенствовать у обучающихся познавательную деятельность на интеллектуально-творческой основе.

Интеллектуально-творческий подход к изучению древнеархитектурных памятников Узбекистана с социально-коммуникативной направленностью развивает у обучающихся внимание, восприятие, творческое воображение, память, мыслительную, в том числе, логико-аналитическую и речевую способность, главное – творческую активность познавательной деятельности в постижении историко-культурного наследия, как национального достояния мирового признания [4].

В креативном изучении обучающимися историко-культурных памятников развиваются не только аналити-

ческие умения, но и прогностические (целеопределения, планирования), рефлексивные (самоанализа, самооценки), информационные (дидактического преобразования историко-культурологической информации в логическое построение этого материала), развивающие (способность к решению поставленных проблем, вопросов, создаваемых ситуаций), перцептивные умения (восприятия, ценностной ориентации, в том числе, в сфере потребностей и интересов), коммуникативные (общения).

Результативный концептуально-педагогический – интеллектуально-творческий подход к креативному изучению историко-культурных памятников зависит от преподавателя, его педагогической компетенции и квалификации, творческого, нетрадиционного подхода к решению проблемы [5]. При четком понимании критериев развития креативных способностей обучаемых.

Основными критериями развития креативных способностей обучающихся на внеучебных занятиях – «Историко-культурные памятники Узбекистана: креативное изучение» являются: устойчивая мотивационная направленность на активно-познавательное интеллектуально-творческое изучение древнеархитектурных памятников; наличие системы необходимых знаний и интеллектуально-творческие способности, их отражение в адекватных заданиях, работах и деятельности, в том числе, социально-коммуникативной. Развитие интеллектуально-творческих способностей обучающихся – фактор креативного развития личности.

В развитии креативных способностей обучающихся происходит активный процесс познания историко-культурных памятников Узбекистана, развитие высокого уровня интеллекта, формирование творческого потенциала, накопление соответствующего определенного практического опыта, необходимых будущему специалисту в условиях современного профессионально-педагогического образования.

Литература

1. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана: Речь на IX сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 29 августа 1997 года.
2. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. –Ташкент: «Шарк», 1997. –С. 4-19. Национальная программа по подготовке кадров. // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. –Ташкент: «Шарк», 1997. –С. 32-61.
3. Национальная программа по подготовке кадров. // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. –Ташкент: «Шарк», 1997. –С. 32-61.
4. Мурадова Д.Д. Креативное мышление учащихся в процессе обучения гуманитарным дисциплинам: Монография. –Ташкент: «Фан», 2005. –С. 124.
5. Проблема развития когнитивно-творческих способностей обучающихся в современных условиях: Монография. /Под общ.ред. доктора педагогических наук, профессора Р.Х.Джурбаева. – Ташкент: «Шарк», 2012. –С. 560.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада интеллектуал-ижодий муҳим ғазилатлар, тарихий-маданият мерос, қадимий-меъморчилик ёдгорликлари, Ўзбекистон қадимий меъморчилик ёдгорликлари, интеллектуал-ижодий фаолият, синфдан ташқари шаронгларда турли гуманитар тўғараклар, маънавий, интеллектуал-ижодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича уринишлар, ўзбек халқининг ҳамда бошқа халқларнинг ҳам тарихий-маданият меросини ўрганиш бўйича синфдан ташқари машғулотлар устуворлиги, анъанавий интеллектуал-ижодий ривожланишида халқ педагогикасидан фойдаланиш, креативлик ўз ичига алоҳида муаммоларга нисбатан сезувчанликни киритиши, креативликнинг ифодали ва оғзаки бўлиши ҳақида фикрлар билдирган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о том, что высокий уровень интеллектуального и творческого развития обучающихся требует демократизацию и гуманизацию процесса обучения и воспитания. Изучаются вопросы национальных ценностей, культурно-исторического наследия, уважения к богатому культурному наследию и историческим традициям. В Национальной программе по подготовке кадров особое внимание уделяется вопросам интеллектуально-творческого развития, креативного мышления в процессе изучения учащимися историко-культурных памятников Узбекистана.

SUMMARY

The article deals with the issues of intellectual and creative development of students that demands democratization and humanization of education. The author studies also the issues of national values respect to cultural-historical heritage and historical traditions. In the National Programme of training the staff much attention is paid to the intellectual-creative development, creative thinking in the study of historical-cultural monuments of Uzbekistan.

ОНКОЛОГИК БЕМОРЛАР БИЛАН ПСИХОКОРРЕКЦИОН ИШ ОЛИБ БОРИШНИНГ ДАСТУРИЙ АСОСЛАРИ

Д.А.Уразбаева - катта ўқитувчи

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: онкология, психика, психоонкология, тиббиёт, психология, метод, клиник интервью, эмоция, хавотирлик, психодиагностик тадқиқот.

Ключевые слова: онкология, психика, психоонкология, медицина, психология, метод, клиническое интервью, эмоция, тревожность, психодиагностическое исследование.

Key words: oncology, mind, psychooncology, medicine, psychology, method, clinical interview, emotion, anxiety, psychodiagnostics research.

Бугунги кунда онкологик касалликлар аниқланиши ва ўлим кўрсаткичи бўйича дунёда юрак-кон томир касалликларида кейин иккинчи ўринда туради. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотга кўра онкологик касалликларнинг ўсиши охириги 10 йилда 15% га ўсган. Саратон билан

касалланиш яқин 20 йил ичида 70% га ўсиши прогноз қилинмоқда [3].

Онкологик касалликнинг бу тури аёлларда учрайдиган саратоннинг энг катта салмоғини ташкил этиб, 25,1% беморларда қайд этилади [4]. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-

амалий тиббиёт маркази Канцер-регистр бўлимида олинган маълумотларига кўра, Ўзбекистонда онкологик касалликларнинг янги касалланганлар сони 2010 йилда 19115 нафар, 2016 йилда 21055 нафарда қайд этилган, яъни 6 йил мобайнида касалликка чалинишнинг аниқланиши 9,3 % ўсган. Шулардан, сут бези саратони ташхиси бўйича 2010 йилда 2273 та, яъни 11,89 % ни, 2016 йилда 2931 нафар -13,92% бирламчи ташхис қайд этилган, яъни ўсиш 22,5 % ни ташкил этган. Онкологиядан касалланиш 2010 йилда 7,9 ни, 2016 йилда 9,1ни, вафот қилганлар сони 2010 йилда 1001 ни, 2016 йилда 1414 ни ташкил қилган, яъни сут бези саратони касаллигидан ўлим кўрсаткичи 29,3 % га ошган. Онкологик касалликлардан ўлим кўрсаткичи 2010 йилда 3,5 бўлган бўлса, 2016 йилда 4,4 га кўтарилган. Бундан кўриниб турибдики, онкологик касалликларни эрта аниклаш, даволаш ва реабилитация масалалари бугунги кунда долзарб ва муҳимдир.

Онкологик касалликларда даво самарадорлиги пастлиги, касалликнинг кеч аниқланиши, мазкур касаллик билан оғриган беморларда ижтимоий ёрдамга муҳтожлик зарурати юқорилигини кўрсатади. Зеро, онкологик беморлар учун нафакат тиббий, балки психологик ёрдам ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб, афсуски, бу соҳада ҳозирча маҳаллий, миллий-маданий, ижтимоий-маиший шароитларга мос амалий ишланмалар етарли эмас.

Сут бези саратонига чалинган бемор аёлларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга тиббий даволаниш муолажалари билан бир қаторда психологик таъсир кўрсатиш самарадорлигини аниклаш мақсадида тадқиқот олиб бордик. Тадқиқотда Республика ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, мазкур марказнинг Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар филиалларида рўйхатда турган ва даволанаётган бемор аёллар иштирок этишди.

Шахс эмоционал соҳаси ўзининг нисбатан ўзгарувчанлиги, ташки таъсирга берилувчанлик даражаси юқорилиги билан тавсифланади [1], [2]. Бу ҳолат, бир томондан, беморлар эмоционал ҳолатига таъсир кўрсатиш учун яхши имконият ҳосил қилса, иккинчи томондан амалий ёрдам орқали ҳосил қилинган ижобий ўзгаришларнинг қанчалик турғун ва давомий бўлиши масаласини ўртага қўяди. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, касаллик инсон эмоционал соҳасидаги ўзгаришларни келтириб чиқариши ва айни вақтда ҳиссий кечинмалардаги бузилиш салбий органик жараёнларни фаоллаштириши, беморлар билан айнан эмоция психокоррекцияси ва психотерапияси йўналишида олиб бориладиган ишлар самарали йўлга қўйилишини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан тадқиқотимизда экспериментал гуруҳдаги синалувчиларнинг ҳиссий ҳолатлари ва шахс хусусиятлари ўртасидаги корреляцион алоқадорликни аниқланди.

Экспериментал гуруҳга айни пайтда сут бези саратони ташхиси қўйилган барча босқичларида даволанаётган 30 та бемор, шулардан TNM-1 босқичи ташхиси қўйилган 2 та, TNM-2 босқичи ташхиси қўйилган 22 та, TNM-3 босқичи ташхиси қўйилган 5 та ва TNM- 4 босқичи ташхиси қўйилган 1 нафар бемор аёллар жалб қилинди. Мазкур гуруҳни ташкил қилишда беморларнинг коррекцион психотерапевтик машғулотларда қатнашиш хоҳиш иродаси, имконияти ва даволовчи шифокорнинг тавсиясига кўра синалувчилар танлаб олинди. Дастлаб уларда Т.Ҳолмс ва Р.Райхлар томонидан яратилган “Ҳаётини ўзгаришлар шкаласи” тести, В.Зунг-Т.Балашованинг “Кайфияти йўқлик-субдепрессия ҳолатини аниклаш” сўровномаси, БИШС-Бехтерев институтининг шахс сўровномаси ва

Сердюк сўровномалари ёрдамида ташхис ўтказилди, натижалар математик статистика методлари ёрдамида қайта ишланди. Олинган натижаларга кўра кайфияти йўқлик, реактив ва шахсий хавотирлик билан аҳамиятли алоқадорликка эга. Яъни, вазиятли ва шахсий хавотирликнинг ошиши субдепрессия даражасининг ошишига олиб келади. Бу эса касалликка муносабатнинг гармоник типини пасайтиради. Гармониклик типининг пасайиши хавотирланувчанлик, апатия, меланхолия, обсессив-фобияли типларни ривожланишига олиб келади. Касаллик сабабли беморларнинг шахсий, эмоционал ва иродавий соҳасида сезиларли ўзгаришлар вужудга келади ва бу ўзгаришларни бартараф қилишнинг амалий йўли сифатида бемор эмоционал соҳасига психологик таъсир кўрсатиш туради.

Ҳар қандай шахс маълум етуқлик ёш даврига етганда ўзига хос индивидуал-типологик хусусиятлар, қадриятлар, дунёқараш, эътиқод ва бошқа шахсий хусусиятларга эга бўлади. Бемор шахсида шаклланган ўзига хос индивидуал хусусиятларга таъсир қилиш, бирмунча мураккаб жараён. Чунки, бир умр шаклланган эътиқод, қадрият ёки дунёқарашни чегараланган машғулотларда ўзгартириш жуда мушкул вазифа. Лекин бемор шахсига сезиларли таъсир кўрсатадиган эмоционал соҳаси нисбатан ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, саратонган чалинган аёлларнинг эмоционал соҳасига таъсир қилиш орқали, касаллик билан боғлиқ салбий ҳолатларни нисбатан енгиллаштириш мумкинлигини, беморнинг кайфиятини кўтариш, ички ўз-ўзи билан боғлиқ низоларни бартараф қилиш кўникмасини ривожлантириш, касалликка муносабат масаласини ижобийлаштириш мақсадида, айнан эмоционал соҳасига таъсир қилиш механизмлари технологияси ишлаб чиқилди. Мазкур технология эксперимент гуруҳида қатнашган 30 та беморлар учун 8 сессияга мўлжалланган “Саломатлик сари йўл” номли махсус психотерапевтик Дастур кўринишида тузилди. Эксперимент гуруҳида касаллик аниқланиб, ҳозирда даво муолажалари (химия терапия, жаррохлик амалиёти, радио терапия) олаётган беморлар иштирок қилди. Беморлар билан гуруҳий ва индивидуал тарзда иш олиб борилди. Психокоррекция тадқиқотнинг мақсади сут бези саратонига чалинган бемор аёлларнинг эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш ҳисобланиб, бу тадбирни олиб боришда психологик таъсир механизмларини аниқлаб олиш ва йўлга қўйиш асосий марказда туради. Мазкур вазифалар дастурда танланган махсус психотерапевтик машқларда ифодааланган бўлиб, улар тизимли, интегратив, кетма-кетлик ва бир-бирини тўлдирувчи, яхлитлик тамойилларига асосан тузилди ва олиб борилди. Сут бези саратонига чалинган беморларда аниқланган ҳолатларга кўра, уларда кучли хавотирлик, қўрқув, агрессивлик ҳолатлари бошқалардан ажралиб қолиш, ёлғизлик ҳиссини келтириб чиқаради. Мутахассис сифатида унинг шахсига, энг нозик ҳисларига қизиқишнинг бидирилиши ва муаммоларини эшитишга тайёр инсоннинг борлиги, мазкур механизмнинг вужудга келиши учун биринчи қадам ҳисобланади. Бу қадам бемор билан дастлабки суҳбатда, унинг муаммоларига диққат қилишда ва уни психотренинг машғулотларига таклиф қилишда қўйилади.

1. Машғулотнинг биринчи куни “Танишиш” деб номланиб, бундан мақсад иштирокчилар бир-бирлари билан танишадилар, дастур мақсадини аниқлайдилар, “Мен кимман? Ҳаётдаги ролларим” шиори остида машғулоти ўтказилади. Натижада бемор шахсига алоҳида эътибор қаратилади, унинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари, шахсиятидаги кучли жиҳатлари ўзи томонидан юзага чиқади. Бу эса улардаги ёлғизлик,

чегараланганлик ҳиссини биров бўлсада, бартараф қилади. Шунингдек, фикрий образлар ва мусика терапияси ёрдамида мушаклар ва фикрий релаксацияга эришилади. Бу психологик таъсир механизмининг иккинчи босқичи организм ва фикрий жараёнларни бошқара олиш кўникмаларини ривожлантира бошлайди. Натижада бемор миясини чулғаб олган касаллик билан боғлиқ негатив фикрлар билан бемор қайта ишлаш жараёни бошланади. Бу жараён “Қуёш”, “Ҳозир ва шу ерда”, “Булут” каби машқлар ёрдамида амалга оширилади.

2. Машғулотнинг иккинчи куни “Тана ва рух бирлиги” деб номланиб, иштирокчиларда чуқур ижобий кечинмаларни бошдан кечиришга, қалбидаги яширин ҳисларни юзага чиқаришга йўналтирилган машқлар асосида “Менинг ҳисларим мен учун муҳим” шиори остида ўтказилди. Бунда иррационал соҳани очишга хизмат қиладиган арт-терапия машқи ёрдамида беморнинг ички “Мен”и ички низоларсиз юзага чиқади. Бу жараён бемор шахсидаги “сиқилган эго”ни юзага чиқишига ёрдам беради. Натижада мусика ва релаксация машқи билан бирга бемор руҳиятида ўзига эътибор, ишонч орта боради. Бу жараён “Менинг қаҳрамоним”, “Био-тренинг релаксация” машқи ёрдамида амалга оширилди.

3. Машғулотнинг учинчи сессияси “Ҳаётӣ жараёнлар таҳлили” деб номланиб, иштирокчиларнинг ҳаётида рўй берган стрессли вазиятлар ва уларнинг аҳамиятини аниқлаш, касаллик билан курашувчанлик ҳиссини уйғотишга йўналтирилади, “Биз ўтмишимиздан сабоқ оламиз” шиори остида амалга оширилди. Бунда “Ҳаётӣ йўли” деб номланган машқ орқали иштирокчилар ҳаётидаги барча ҳодисаларни ёдга солади, ҳодисалар билан боғлиқ эмоциялар эркин юзага чиқади ва бошқалар билан бирга таҳлил қилинади. “Касалликнинг афзаллиги” машқи беморларда касалликка муносабат тизимини қайта кўриб чиқишга йўл очади. Бу эса бемор онгсизлиги соҳасида ётган касалликнинг бедаволиги билан боғлиқ стереотиплар билан қайта ишлаш имкониятини беради. Натижада касалликнинг вужудга келишида бемор ҳаётидаги ўзи томонидан муносабат нечоғлиқ муҳимлигини англашига олиб келади ва бу психологик таъсирнинг кейинги босқичи - ўз ҳаёти ва шахсияти учун ўзи масъуллиги каби иродавий жараённи вужудга келтиради. Энг асосийси, шахсий, иродавий жараёнлар билан ишлашда релаксация машқлари ҳам бирга олиб борилади.

4. Тўртинчи сеанс “Организм визуализацияси” деб номланиб, бемор ички ресурслардан фойдаланиб, касаллик билан курашиш техникасини ривожлантиришга йўналтирилди. Мазкур сеанс “Қалбимизни тозалаб, сиқилган ресурсларимизни ишга соламиз!” шиори остида ўтказилди. Бу машғулот гештальт терапевтик, когнитивистик ва логотерапевтик ёндашувга хос бўлиб, тренингда “Визуализация” мавзусида мини маъруза қилинди, “Организм визуализацияси”, “Ичга ютилган аламларни бартараф қилиш” машқлари ўтказилиши эса, бемор организмни атипик хужайра билан курашишга сафарбар қилади. Бунда иштирокчиларнинг ички психологик заҳираларини фаоллаштириш орқали касаллик билан курашиш кўникмалари ривожлантирилади, қабидаги аламлар, нафрат ва адоватлар билан қайта ишланиб, бартараф қилинади, енгиллаштирилади, релаксацияга эришилади.

5. Бешинчи машғулот “Ҳаётӣ мақсадларни қўйиш” деб номланиб, бунда иштирокчиларда ҳаётӣ мақсадларни қўйиш, келажакка ишонч ва умид, шунингдек ирода кучини ривожлантиришга йўналтирилади ва “Мақсадларимиз бизнинг иродамиз

ва кучимизнинг мотивацияси!” шиори остида ўтказилди. Машғулотда “Мақсадларни қўйиш” машқи, коллаж техникасидан фойдаланилди. Бунинг натижасида иштирокчилар ҳаётӣ яқин келажак мақсадларини аниқлаштириб оладилар ва қарор қиладилар, мақсадларини арттерапия ёрдамида тузадилар, эришадилар.

6. Олтинчи сеанс “Ички “мен”ни англаш ва юзага чиқариш” деб номланиб, бу машғулот иштирокчиларда ички “мен”ни англаш, юзага чиқариш, ўз-ўзига ишончни мустаҳкамлашга йўналтирилади ва “Менинг кучим ва иродам-менинг ЎЗИМ!” шиори остида ўтказилди. Машғулотда “Ички мураббий”, мандалатерапия машқларидан фойдаланилди. Натижада беморлар ички “Мен” билан бирлашадилар, негатив ҳиссиётларни мандалалар орқали йўқотадилар, релаксацияга эришадилар.

7. Навбатдаги машғулот “Позитив ўзгаришлар” деб номланиб, бунда беморлар ички заҳираларини касаллик билан курашишга йўналтирилди ва “Мен соғлом, кучли, иродали ва албатта бахтлиман” шиори остида ўтказилди. Бунинг натижасида иштирокчилар ички ресурсларини бошқариш кўникмасига эришадилар, организмдаги ҳар бир аъзони ижобий ҳислар билан қувватлантирадилар, релаксацияга эришадилар. Машғулотда “Организм визуализацияси”, “Менинг танамнинг ҳиссиёти”, “Кучли дарахт” релаксация машқлари ўтказилди. Иштирокчилар билан биргаликда муҳокама қилинди.

8. Коррекцион тадбирнинг охириги сессияси “Ҳайрлашиш” деб номланиб, бунда “Биз дунёга соғлом назар билан қараймиз” шиори остида ўтказилди ва иштирокчиларда ўтказилган коррекцион дастурнинг самараси аниқланди. Машғулотда “Кайфияти йўқлик-субдепрессияни аниқлаш”, “Шахс хавотирлигини аниқлаш” тестлари олинди. “Мандаларепация” ва релаксация машқлари ўтказилди. Иштирокчилар бир-бирларига тилаклар билдирдилар. Натижада беморлар билан ўтказилган коррекцион дастур натижалари аниқлаштирилди, шахсий эмоционал соҳасидаги ўзгаришлар таҳлисланди, релаксацияга эришилди.

Машғулот якунида экспериментал гуруҳда назорат тажрибалари В.Зунг-Т.Балашованинг “Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести, Спилбергер-Ханиннинг “Реактив ва шахсий хавотирланиш шкаласини аниқлаш” методикалари қайта ўтказилди ва қайд қилинди. Бу эса коррекцион дастурнинг самарадорлик даражасини, яъни онкологик бемор аёлларнинг шахсий эмоционал соҳасига таъсир қилиш механизмларининг ишончлилик кўрсаткичини аниқлаштириш имконини берди.

1-жадвал

Аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари
ўртасидаги статистик тафовут
(Стъудентнинг t- мезони бўйича)

Кўрсаткичлар	M ₁ биринчи босқич	M ₂ иккинчи босқич	t-статистик фарқ кўрсаткичи
Субдепрессия даражаси	72,7	66,3	4,42*
Реактив хавотирланиш даражаси	50,5	42,5	7,22*
Шахсий хавотирланиш даражаси	49,06	41,2	10,11*

Изоҳ: * p≤0,05

Юқоридаги жадвалда кўриниб турганидек, субдепрессия даражаси ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 72,7 га тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 66,3 га камайганлиги аниқланди, муқаррарлик мезони (t=4,42; p<0,05). Реактив хавотирланиш даражаси ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 50,5 га тенг бўлса,

назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 42,5 га камайганлиги аниқланди, муқаррарлик мезони ($t=7,22$; $p<0,05$). Шахсий хавотирланиш даражаси ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 49,06 га тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 41,2 га камайганлиги аниқланди, муқаррарлик мезони ($t=10,11$; $p<0,05$). Аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари ўртасидаги аҳамиятли даражадаги тафовут аниқланди. Ўтказилган тренинг машғулотларидан сўнг субдепрессия даражаси, реактив хавотирланиш даражасида аҳамиятли даражадаги пасайиш кузатилган. Бу эса биз томонимиздан тузилган коррекцион дастурнинг самарадорлигидан далолат беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулосаларга келдик:

1. Сут беги саратонига чалинган беморларда касаллик аниқланишидан олдин кучли жароҳатли ҳодисаларни бошдан кечирганликлари, касаллик

натижасида бемор психикасида сезиларли эмоционал ўзгаришлар рўй бериши намоеъ бўлади, коррекцион дастур айнан мазкур ўзгаришларни вужудга келтирган эмоционал соҳани коррекциялашга хизмат қилади.

2. Улар билан олиб бориладиган психокоррекцион машғулотлар эмоцияларнинг очик, ошқора, эркин намоеъ бўлиши учун хизмат қилиши керак, шундагина бемор қалбидаги психологик муаммоли, оғриқли, ҳал қилинмаган масалалар юзага чиқади ва улар билан қайта ишланади.

3. Коррекцион дастурнинг самарадорлиги дастурда танланган машқларнинг илмийлик, кетма-кетлилик, тизимлилик, интегративлик ва яхлитлик тамойиллари асосида олиб борилишига боғлиқ, натижада касалликнинг мазкур туридаги беморларда хавотирлик, кўрқув, депрессия, жароҳатли стресс каби эмоционал ҳолатларни камайтиришга эришилади.

Адабиётлар

1. Ахтэ К., Ваухконен М.Л., Виитмаки Р., Сонкин Л. Рак и психика: В 2-х частях / Пер. с англ. -М.: 1977. -С. 279.
2. Герасименко В.Н., Тхостов А. Ш. Реабилитация онкологических больных. -М.: 1988, -С.143.
3. <http://worldofoncology.com/materialy/o-rake/statistika/>
4. <http://www.globocan.iarc.fr/>

Мазкур мақолада сут беги саратонига чалинган бемор аёллар билан ўтказилган психологик тадқиқот натижалари келтирилган.

В статье рассматриваются результаты психологических исследований женщин с диагнозом рак молочной железы.

In the article the results of psychological investigation held with patients women with breast cancer are studied.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

ИННОВАЦИИ В ОБРАЗОВАНИИ: ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ

Т.В.Уразимова - кандидат искусствоведения

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: инновация, педагогика, ўқитиш жараёни, методология, ўқитиш усуллари, ижодкорлик.

Ключевые слова: инновация, педагогика, учебный процесс, методология, приёмы обучения, творчество.

Key words: innovation, pedagogics, studing process, methodology, teaching methods, creative activity.

В настоящее время сам термин «инновации», перебравшись в социальную сферу, потерял своё первоначальное чёткое значение. Введшие этот термин в практику экономисты понимали под инновацией воплощение научного открытия в конкретной технологии или продукте. Основным измерителем эффективности инновационных изменений была получаемая прибыль. В социальной сфере, а уж тем более в сфере образования этот показатель не работает, по крайней мере, столь однозначно, как в экономике и материальном производстве. Тогда, рассматривая инновации в социальной сфере и в образовании, видимо, надо рассматривать вопрос о том насколько они улучшают качество жизни. Только само понятие «качество жизни» или более близкое к теме педагогические инновации качество образования многоаспектно и поэтому не имеет однозначного определения. Наличие положительного или отрицательного результата от педагогических инноваций сложно определить и по другой причине. Эффект от внедрения иногда выявляется через достаточно длительное время. Эти обстоятельства делают педагогические инновационные методы крайне рискованной областью. Внедрение инновационных идей в образование применительно к педагогическому процессу означает введение нового в цели, содержание, методы и формы обучения и воспитания, организацию совместной деятельности учителя и учащегося.

Для понимания сути педагогических инноваций в образовании в поле зрения экспертов находятся две проблемы. Первой из них является проблема изучения, обобщения и распространения современных педагогических технологий. Учитель выступает в качестве автора, разработчика, исследователя, пользователя и пропагандиста педагогических инноваций. Вторая проблема касается внедрения

достижений инновационных проектов в образование на практике.

Таким образом, предметом инновационной деятельности в образовании является союз этих двух взаимосвязанных процессов, которые до настоящего времени рассматривались отдельно друг от друга. Необходимость в инновационной деятельности в образовании в современных условиях развития общества, культуры и других сфер определяется рядом обстоятельств.

Итак, инновации в педагогике с одной стороны стали необходимостью, а с другой крайне рискованной зоной из-за отсутствия простых и ясных критериев оценки. Они требуют, как правило, сложной экспертизы, которую сегодня приравнивают к виду исследовательской деятельности и которая крайне зависима от субъективного опыта эксперта. Инновации предполагают формирование новых педагогических реалий и возникновение новой культурной традиции.

Формирование педагогических инноваций в образовании предполагает использование определенных критериев, которые позволяют оценить эффективность инновации. Новизна, оптимальность, высокая результативность, возможность творческого применения инновационных проектов в образовании в массовом опыте являются главными показателями жизнестойкости педагогической инновации.

Ещё одна сложность связана с технологией введения инноваций. В этом контексте можно согласиться с тем, что полноценный инновационный процесс заключается в формировании и развитии содержания и организации нового. Он представляет собой совокупность процедур и средств, с помощью которых научное открытие или идея превращаются в социальное, в